

## Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 889-ҳадис

889 - وَعَنْ أُمٌّ هَانِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: أَتَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ يَغْتَسِلُ وَفَاطِمَةُ تَسْنِئُهُ، فَقَالَ: «مَنْ هَذِهِ»، فَقُلْتُ: أَنَا أُمُّ هَانِيٍّ. مُنَفَّقٌ عَلَيْهِ [خ 336/82، م 280]

المسافرين، باب استحباب صلاة الضحى].

889. Умму Ҳониъ розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига борсам, у зот чўмилаётган эканлар. Фотима эса у зотни тўсиб турган экан. Шунда у зот: «**Бу ким?**» дедилар. Мен: «Умму Ҳониъман», дедим».

Муттафақун алайҳ.

**Шарҳ:** Ушбу ҳадиснинг ровийи Умму Ҳонеъ розияллоҳу анҳо Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари Абу Толибнинг қизи, Али розияллоҳу анҳунинг синглиси бўлади. Кунялари билан машҳур бўлганлар.

Умму Ҳонеъ маккалик бўлгани учун ҳам Макка фатҳ этилган куни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг келганларини эшишиб, ҳузурларига борганлар. Кейин эса, ҳадисда васф қилинган ҳолатни кўрганлар.

Фотима розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ғусл қилаётганларида тўсиб турганлари у киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хизматларида ҳозир нозир эканини кўрсатади.

«Сунан» эгалари ва Имом Аҳмад Умму Ҳониъ розияллоҳу анҳодан ривоят қиласидилар:

«Макка фатҳи куни бўлганда Фотима келиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг чап томонларига, Умму Ҳониъ ўнг томонларига ўтириди. Чўри қиз бир идишдан шароб келтириб, у зотга тутди. Бас, у зот ундан ичдилар. Сўнгра Умму Ҳониъга тутдилар. У ҳам ундан ичди ва:

«Эй Аллоҳнинг Расули, оғзимни очиб юбордим, рўзадор эдим», деди.

«Бирор нарсанинг қазосини тутаётган эдингми?» дедилар.

«Йўқ», деди.

«Агар нафл бўлса, сенга зарар қилмайди», дедилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Нафл рўза тутувчи ўз нафсининг амини ёки амиридир. Хоҳласа тутади, хоҳласа очиб юборади», дедилар».

Фотима розияллоҳу анҳонинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларида ўтиришлари ҳам у кишининг эътиборлари улуғ эканига далолат қиласди.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

